



# Миллий Тижоратчи

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1996 йил, 13 феврал

6(35)-сон

ТУРКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

## ҚИРҒИЗ ДАЛАСИ

Марказий Осиё деб аталмиш қадимий Турон халқлари доимо бир-бирлари билан ака-ука, опа-сингил, ота-бола бўлиб яшаб келганлар. Улар шунчалар яқин бўлиб яшаганларки, ҳеч бир тазйик ва айёр сиёсат уларни бир-биридан айира олмаган. Улар ўзаро қиз олиб, қиз берганлар. Далаларига далалари, боғларига боғлари, уйларига уйлари туташ бўлган.

Илдизлари қадим замонларга бориб туташади-ган халқларимизнинг аҳил ва иноқлигини, ажойиб анъаналарини, урф-одатларини севиб-ардоқлаш ва асраш, Туркистон ҳудудидаги халқлар тинчлигини, барқарорлигини ҳимоя қилишнинг ўзи эканлиги қайта-қайта таъкидланаяпти.

«Қизил империя» даврида Марказдаги баъзи раҳбарлар бир жон бир тан Туркистон халқлари ўртасига низолаб солмоқчи, шундай йўллар билан ўз мавқеларини қулайтирмоқчи бўлдилар. Аммо янглишдилар. Бизларнинг орамининг ҳеч қандай қуч буза олмади.

Бундан ўн йиллар илгари биз бир гуруҳ ижодкорлар «Ўзбекистон кунлари»

муносабати билан қардош Қирғизистон сафарига борган эдик. Сафимизда адиблардан Неймат Аминов, Нуррали Қобул, Лутфулла Кабировлар бўлиб, бу сафарда бизга Қирғизистон ёзувчилар уюшмасидан ижодкор дўстларимиз ҳам ҳамроҳлик қилдилар. Биз тоғлик туманларга, бепоён яйловларга, қир-адирларга бориб қирғиз меҳнаткашлари билан ҳар кун бир неча бор учрашувлар ўтказдик.

Беш-ўн вилоят ва туманни айланиб, яна Бишкекка қайтдик. Сафаримиз қари-ди. Шунда Нуррали Қобул:

— Азизлар, сизларни билмайману, лекин мен Чингиз оғани кўрмай кетолмайман,— деб қолди. Чингиз Айтматов дунёга машҳур, ҳаммага керак ёзувчи эмасми, уни топишимиз ҳам ҳар ҳолда осон бўлмади.

Ўша йиллар Чингиз Айтматов қирғиз кино кўмитасининг раҳбари эди ва кўп вақти Москвада ўтарди. Бахтимизга ўша кунлари Чингиз Айтматов шу ерда экан. Чингиз оға ҳаммамиз билан кўчқ олиб кўришар экан, соф ўзбек тилида:

— Хуш келибсизлар, азиз меҳмонлар! Қирғиз элининг

ҳар бир уйи-хонадони бу сизнинг ҳам уйинглар! — деди самимий оҳангда.

Суҳбат олдида у Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар соғлиқларини, ишларини сўради.

Ўша йиллари Ўзбекистонда «пахта ишлари» авжга миниб, қама-қамалар бошланиб кетганди. Буюк ёзувчи бу гапларни бизлардан-да яхшироқ билар экан. Чингиз оға ўзига хос ўй ва вазминлик билан:

— Тоғдан кичик бир тош думаласа, ерга тушгунча шарақа-шуруқ қилавериш, ҳаммаёқни ларзага солиб юборади,— деди.

Ўша йиллардаги воқеага бундан ортқ баҳо бериб бўлмас эди. Ўша пайтлари атоқли давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидовга ҳам тошлар отилаётганини эшитган экан, Чингиз Айтматов бизларга: — Ўзбек халқи учун жон куйдириб хизмат қилган бир инсонга бундай муносабатда бўлиш асло инсофдан эмас. Шароф Рашидович шундай улан-кан бир биноқим, ким қанақа тош отса, ўша тош ярмига ета олмай ўз бошига қайтиб тушаверади,— деди.

Кейин адабиётимиз, бой

## НАВОИЙ ВА ЗАМОНАМИЗ

**Эй Навоий... сенинг «Хамса»нг туркий тилда ажойиб бир нақш бўлдики, сеҳрли нафасларнинг лабларига муҳр урди. Бу гўзал нақшларни яратган қаламга фалақдан офаринлар бўлсин. Бу қалам форсча шеър ёзувчиларга раҳм қилди, агар у ҳам форсча шеърлар ёзса эди, бизга сўз сўзламоқ мажоли қолмас эди.**

Абдурахмон ЖОМИЙ

тарихимиз, қардошлик алоқаларимиз ҳақида бир соатдан кўпроқ суҳбатлашдик. Бу суҳбат икки халқ дўстлигининг ажойиб бир фазилатидан далолат эди.

**Ёқимли шабада юзимни силаб, Меҳмон деб эъозлар яқин-йироқлар. Бахт-шодлик, омонлик ва толе тилаб, Каршилар бағри кенг қирғиз ўртоқлар. Бўлик бошоқларни кафтида тутиб, Бепоён бугдойзор тинмай шовуллар. Дунё сирларини ичига ютиб, Ортада қолар бир-бир қишлоқ... овуллар.**

**Узатар косада қимиз... сулув қиз, Қолдирмай сипқордим, яйраб кетди тан. Каёққа қарамай очик чехра, юз Каёққа қарамай меҳригиё жон.**

**Бошимда чарх уриб учган тоғ тўрғай, Кўнглимни чулғай қирғиз даласи. Шу замин меҳрига юрагим тўлғай, Шу ер деб яшайди инсон боласи.**

**Ака-ука каби иноқ ва аҳил Бизга қирғиз қалби даласидай кенг. Қардошлик туйғуси билан тўлар дил, Бу туйғу ноёбдир дунёдаги энг...**

ТЎЛҚИН



Ҳалал берманг, агар қизлар хаёл сурсалар...

## «ЮКСАЛИШ» РИСОЛАСИНИ ЎҚИБ

Бундан 50 йил муқаддам фашизм устидан қозонилган ғалаба башариёт тараққиётида шиддатли ўзгаришлар ясади. Ижтимоий ривожланишда орда қолган, ва айниқса, мустамлакачилик асоратида бўлган халқлар бирин-кетин озодлик ва миглий мустақилликка эришдилар.

— ҳақиқатта тўла мос фикрлар эдимиз? Йўқ. Дунёда ўз мазмун ва моҳиятига кўра мустамлакачилик руҳи билан суғорилган империялар ҳамон мавжуд эди. «Коммунизмнинг порлоқ чўққиларига» ақинлашиб қолган Собик Совет Иттифоқи, ҳам, аслида, улардан бири бўлганлиги ҳеч ким у-н сир эмас. 80-йиллар охирига эслайлик. Буюк адиб Чингиз Айтматов: биз интиланг сотсиализмининг афзалликлари аллақачон

Швейтсария, Швейтсия каби капиталистик мамлакатларда мавжуд деб берган баёнотлари «Бизнинг» тоталитар, маъмурий буйруқбозлик тизимида ҳам халқлар «кўзи очилаётгани»дан далолат беради.

М. Горьачев даврида Болтиқбўйи халқларининг ўз истиқлолига интилишига қарши қуч ишлатилиши, бу зуравонлиқнинг Алмати, Тбилиси, Боку, Фарғона, Ўш, Қорабўғдаги қонли фожиялар билан

### Замон китоблари

тоб Ватанимиз мустақиллигининг қўлга киритилиши ва унинг халқаро ҳамжамият сафарига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида дидил кириб боришида муҳим ўрин тутган Президент Ислоҳ Каримов фаолиятининг айрим қирраларини ёритади.

**Жўрна Жиктамлар**

**Конфуций айтган экан...**

БЕШИНЧИ ФАСЛ

2. Устоз Нан Жун тўғрисида шундай деди:

— давлатда адолат бўлган пайтда — ундан юз ўтирмадилар. Адолат йўқолган чоғда — қатлдан ва шармисорликдан сақланиб қолди.

Шундан сўнг унга ўз жуванини узатди.

5. Кимдир шундай деди:

— Жан Юн яхши одаму лекин нутқи чатоқ-да.

— Нотиклиқни бошига урадимиз? — деб эътироз билдирди Устоз. — Одамларнинг гашини келтириб маҳмаданалик қилиш... Билмадим, у қанчалар яхши одам. Лекин унга нотиклиқни нима кераги бор?

10. Сэйи Юй кундузи ухлар эди.

— Ичи қирган дарахт, — деди Устоз, — ишлов беришга ярамайди. Тапқидан кўтарилган деворни оқлаб бўлмайди. Шундай экан, Юй дашмон беришга арзирмикин?

Кейин кўшиб қўйди:

— Авваллари мен одамларнинг гапларига ишонардим: оғизларидан чиққими, дарров адо этишарди. Эндилекда уларнинг нима

деётганларига қўлоқ солиб тураман ва нима қиларкинлар деб кутаман. Юй тўфайли уларга муносабатим ўзгарди.

12. Сэйигун деди:

— Мени хафа қилишларини истамайман. Ўзим ҳам ҳеч кимсани хафа қилишни хоҳламайман.

— Бу қўлингдан келмайди, Си, — деди Устоз.

15. Сэйигун сўради:

— Нега Кун Вен-сзи «Мазруф» деган лақаб олган?

— Ақли ва кўп нарсаларга қизиқадиган одам эди, — деб жавоб берди Устоз, — ўзидан паст одамлардан ҳам сўрашдан ор қилмасди. Шунинг учун ҳам уни «Мазруф» деб аташарди.

19. Сэйигун деди:

— Чу мулкидаги Саивен уч маротаба биринчи вазир бўлди — уч сафар ҳам унинг бундан чехраси очилганлигини ҳеч ким кўрган эмас. Уч маротаба истеъфога чиқди — бирон марта юзида ранжигани биланган эмас. Мансабдан кетаётганда доим ўз ўрнига келган одамга ишларни яхши-лаб топшириб кетарди. Бундай одамни нима дейиш мумкин?

— Чиндан ҳалол одам экан, — деб жавоб берибди Устоз.

— Уни ҳақиқий маънода яхши одам деб аташ мумкинми? — сўради Сэйигун.

— Билмадим, — деди Устоз. — Бунга ҳақиқий маънодаги одамийлик деб атаб бўлармикин?

**«ИЛОҲИ, БИЗНИ БИРОДАР ЭТГИН»**

Мана, икки йилдики, муқаддас рамазон ойида телеэкран орқали «Муҳаммадур расуллуллоҳ» кўп қисми тарихий фильми намойиш этиб келинмоқда. Асосан пайғамбарлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи бу фильми Миср Араб Республикаси кино-жодкорлари суратга олган. Уни бизга таништиришда кимларнинг хизмати сингмоқда?

Суҳбатдошимиз ана шундай савоб ишлар соҳибларидан бири, «Муҳаммадур расуллуллоҳ» фильмининг таржумони шарҳуёқ-арабшунос Абдуҳафиз Абдужабборов. Биз домлага филм тўғрисида ўқувчиларимизни қизиқтирган саволлар билан муножот қилдик.

— **Халқимизга рамазон ойида муносиб совға тайёрлаб, тарихий, маданий, диний тасаввуларнинг бойлигига катта ҳисса қўшдингиз. Домла, бизга фильмининг таржимаси жараёни ҳақида гапириб берсангиз. Қўйинчиликлар ҳам кам бўлмагандир, ахир?**

— Раҳмат. Аввало ўзим бу хизматимдан жуда хурсандман. «Муҳаммадур расуллуллоҳ» фильми халқимиз орасида ўтган йили яхши кутиб олингани боис, ўша пайтда-ноқ фильмининг кейинги фаслини таржима қилишга киришган эдим. Фильмининг бир қисми вақт ҳисобида 43-46 дақиқа давом этади. Уни таржима қилиш эса билмадими қанча вақт кетди. Қайта-қайта кўриб ишладим.

Филмда Қуръон оятлари-дан келтирилган. Лекин изоҳланмаган. Ушбу оятларни ўзбек тилига ўғришда анча бош қотиришга тўғри келди. Қуръон Каримнинг ўзбек тилига ўғрилган нусхасидан фойдаланмай десам, жумлалар узун, бу эса дубляжда тўғри келмайди. Хуллас, уларни қўлимдан келганича, маъно ва маъносини сақлаб, илҳам ва лўнда қилиб ўзим ўғирдим.

Биласизми, Қуръони Карим нозил бўлганига ўн тўрт аср бўлапти. Бу давр ичида юзлаб тафсиричлар ўтган. Ҳар бир тафсирич ўзидан олдинги тафсиричдан ўтаман, деб ўз тафсирини майдонга чиқарган. Янги тафсир яратилгунга қадар у тўғри бўлган. Албатта ҳар бири ўз тушуниганича, англаб етганича тафсир этган. Ажойиб жойи шундаки, тафсирилар замонлар ўзгараётгани, инсон онги тушун-нишга ақинлашаётганини кўрсатади.

Бизнинг таржималаримизга ҳам шундай қаралса тўғри бўлар.

— **Домла, фильми қайта-қайта кўрдим, дедингиз. Ўзингизга маълумки, асл нусха билан таржима ўртасида барбир фарқ мавжуд бўлади. Фильмининг бадий свависия ва техник жиҳатлари сизни ва умуман, ижодий гуруҳи қониқтирадими?**

— Гапнингизда жон бор. Йўл-йўлакай бўлса ҳам филм ҳақида томоша қилганлар ўртасида мунозараларнинг гувоҳи бўлганман. Умуман, бу яхши. Филм пайғамбарлар ҳақида бўлса ҳам, унинг қандай ижод этилганлиги — бадийлиги тўғриси-

да фикр юритиш мумкин. Мен ҳам бу ҳақда ўз фикримни айта оламан.

Фильмининг бадий ва техник свависия ҳақидаги гап ўринли. Худога шукрки, ўзбек томошабини нима яхши, нима ёмонлигини фаросат билан фарқлай олади. Майли, кўпроқ яхши томонга эътибор берайлик. Мен ўзим ҳам, пайғамбарлар ҳаёти тарихидан филмдагидан кўп маълумот билмас эканман, жуда кўп янги нарсаларни билиб олдим. Фильмининг нозик, маърифатли, гўзал асар эканлигини унутмайлик. Ҳозир бизга ҳудди шундай филмлар зарур. Бу халқимиз учун тайёр маънавийлик-ку, ҳам дам олади, ҳам олам-олам ноёб маълумотларга эга бўлади.

— **Мана, кейинги беш йил ичида ҳаётингиз ижодий томонга ўзгарди.**

— Бутун республика тикланиш жараёнининг бошдан кечирмоқда. Ўқувчиларимизга нима тилак билдирган бўлардингиз?

— Ҳа, мустақил юрт қувончи ҳар нарсадан асло. Мустақил бўлдиқ, лек ҳамон базиларимиз кўзимизни очиб, ўзимизни таниб олганимиз йўқ. Мен шу муборак кунларда халқимиз ўзини ҳар томонлама тиклаб олишини яратгандан сўрайман. Илоҳи, бизни бир-биримизга биродар этгин, илоҳи, бизга илм, миллийлик, тараққиёт сари берган йўлингни ёруғ қилгин дейман!

— **Айтганингиз келсин. Суҳбатингиз учун ташаккур!**

Бектемир ПИРНАФАСОВ суҳбатлашди

**ЯНГИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ИШ БОШЛАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг илмий кенгаши иш бошлади. Унинг 31 январда бўлиб ўтган мажлисида Академия илми-назарий фаолиятининг бир қатор муҳим қирралари ва йўналишлари қараб чиқилди. Илмий кенгаш Академиянинг 1995 — 1996 йил иш режасини тасдиқлади. Ўқув режалари ҳам ҳар томонлама кўздан кечирилди. Тингловчиларнинг энг юксак халқаро андозалар асосида таълим олиши, ўз малакасини ошириши муҳим аҳамият касб этади. Академия ўқув режаларини ўн ойлик, уч ойлик ва бир ойлик ўқиш курсларида амалга оширмоқда. Ўқув режалари ўзгармас қонун тусида бўлмай, балки ҳаёт талабига кўра унга доим долзарб ўзгаришлар киритиб бориш назарда тутилган. Академияда тингловчиларга соҳаларнинг асосларидан чуқур таълим берилмоқда, тингловчиларнинг индивидуал талаб ва эҳтиёжлари ҳам мунтазам ҳисобга олиб берилмоқда. «Дунё молиявий ташиқлотлари», «Бухгалтер ҳисоби ва лойиҳалар таҳлили», «Сисеатшунослик ва диншунослик», «Сотсиология ва психология», «Ўзбек лотин ёзуви» каби ўқишлар шулар жумласидандир.

Илмий кенгаш магистрлик дипломи учун диплом ишлари мавзулари ва Академиянинг яқин йиллар ичида бажарилган илмий-тадқиқот ишлари мавзулари доираси ҳамда йўналишларини ҳам кўриб чиқиб тасдиқлади. Академия тингловчиларини (ўн ойлик курс) ўз лавқатларига кўра илмий иш билан шуғулланишлари ва магистрлик дипломи эклашлари назарда тутилган. Маълумки, магистрлик илмий даражаси олий ўқув юртида экланган дипломдан ўз даражаси билан бирмунча юқори туради ва номзодлик даражасига яқинлашиб келади. Дипломларни муваффақият билан эклаган тингловчилар давлатшунослик магистри, жамиятшунослик магистри деган унвонга сазовор бўладилар.

Диплом эклаш ва ёзиш учун махсус вақт ажратилган. Академия илмий кенгаши магистрлик диплом ишлари ўз свависияси, йўналиши, илмий-назарий, амалий қиммати билан ажралиб туриши лозимлигини ва айниқса, тингловчи машғул ишлаб чиқариш еки унинг бевосита фаолияти билан чамбарчас боғланган бўлишига алоҳида аҳамият қаратиш лозимлигини ўқтирди.

Илмий кенгаш Академияда хорижий тилларни ўргатиш ва ўқитиш муаммоларини ҳам кенг кўздан кечириб чиқди. Хорижий тиллар ўқитиш кафедрасининг ўқитиш режалари маъқулланди.

Илмий кенгаш Академиянинг ҳаётига доир бошқа қатор муҳим масалаларни ҳам қараб чиқди.

Илмий кенгаши унинг раиси, Академия ректори, профессор Алишер Азизхўжаев олиб борди.

«МТ»











Ўзгучи рамазон ҳақида

РАМАЗОН ҚЎШИҒИ

Рамазон ойда покляниш ҳаракати жиддий тус олганлиги бугун халқимизнинг кўнглини тоғдай кўтариб юборди, десак асло...

Рамазон, Рамазон, моҳи Рамазон, Рамазон ойлари шох, Рамазон.

Рамазон айтган билан тўямани, Бурунгилар қаъдасини қўямани, Чиройли, чиройли азонлари бор, Бомдоду таровик, хуфтонлари бор,

Рамазон, Рамазон, моҳи Рамазон, Рамазон ойлари шох, Рамазон.

Ўттиз кун рўза, бу — меҳмондир, Ўттиз кун рўза, бу — қалқондир, Тутсанг ҳам, утмасанг — ўтади ёндан, Асрар бало-қазо, яхши-ёмондан,

Рамазон, Рамазон, моҳи Рамазон, Рамазон, ойлари шох, Рамазон.

Эшигингиз туйиғида ой кўрдим, Ҳаммадан ҳам сизни бой кўрдим. Оймуна ёруғи оламга татир. Янжагон, қизаринг бир парча патир.

Рамазон, Рамазон, моҳи Рамазон, Рамазон, ойлари шох, Рамазон.

Ой бўлинг, сой бўлинг, хотамтой бўлинг, Охират кунда хушчиroy бўлинг, У дунё, бу дунё бахтиёр бўлинг, Уйингиз бахтига устивор бўлинг.

Рамазон, Рамазон, моҳи Рамазон, Рамазон, ойлари шох, Рамазон!

Оқ танга, қўқ танга, Чикара қолинг, жон янга. Ҳақда кул, ҳаммада пул, Чикара қолинг жинда пул.

Биза айтадиган ё рамазон қўшиғи тахминан шундай эди. Айрим рамазончи болалар «оқ ва қўқ тангаларни, «жиндай» пулини...

Сўнгра рамазон одобини кўрсатувчи яна бир муҳим жиҳат шуки, рамазон айтувчилар ҳадяни олибқўқ дарҳол жунаворишлари керак эмас...

Эркинбой яшасин, остига баҳмал ташасин, Ҳар кун бозор борганда авлиёлар кўласин. Мирозиз АбЗАМ.

Ў рамазон айтиб келдик эшигингизга Ҳақда кул, Ҳаммада пул. Чикара қолинг Ҳақда кул, — дейишади. Сўнгра «Биз учтамыз, тўрттамыз, шуни ҳисобга олинг!» — деб...

РАМАЗОН ҚЎШИҒИ Ассалом алайкум, бизлар келдик, Аждодлар йўлини излаб келдик. Рамазон айтиб келдик эшигингизга, Кўчқордек ўғил берсин бешингизга.

Мулоқотнинг тўрт тури — ғойибона сўхбат, дийдор, телефондаги сўзлашув ва мактуб бўлади. Ғойибона сўхбат ҳаммада ҳам бўлиши мумкин, лекин қалби катта, мулоҳаза ва...

Мунисам, анисам Ёқутхон! Мақтубида ушбу воқеани ҳам сизга эслатиб ўтаман. Бу сиз мумкин эмас. Орадан бир-бирини қувлаб кунлар, ҳафталар, ойлари ўтди...

Одатда кўпчилик мулоқотнинг уч туридан фойдалана олади, лекин ҳаммага ҳам ёзиш қобилияти ва эришмай ёзиш ўтириш учун чидам берилмаган. «Уйку келмас кечалар» романининг бош қаҳрамони файласуф Фахри Камол эса ақл-идроки, фаросати, кенг мулоҳаза ва мулоҳазасига яраша ўттир каламага ҳам эга. У севгилисиз Ёқутхонга кунни тунга, тунни тонга улаб мактуб битади, шу билан кўнгли чигилини ёзади, уйку келмас кечаларда оппоқ қоғоз ва қалам ҳамроҳи бўлади. Асар мактуб шаклида яратилган.

Мунисам, анисам Ёқутхон! Мақтубида ушбу воқеани ҳам сизга эслатиб ўтаман. Бу сиз мумкин эмас. Орадан бир-бирини қувлаб кунлар, ҳафталар, ойлари ўтди...

Меннинг шу кўнлардаги хотлатим умрининг аша шундай оралик палласи эди: бетус, бету, бесас. Аммо бинафша исми оралиқ кўтаётган табии шайдокси каби эртадан умидим бор. Қалбимда умид чироғи липиллаб турса-да, ҳали сўнмаган. Шу умидворлик мени ҳаракатга келтирди турадир.

Шундай кўнларнинг бирини, ўша кунни ароҳ хотирланадиган пайшанба эди. Ишда тўлиб қолган эҳтимол тўғилгач, соат кечки олти яримларда мен уйга телефон қилдим. Жума оқсомида палов далаши қанда қилмай, оила жамулжам бўлиб оватланамиз. Қурьон оятларидан тиловат қилиб, ҳосил бўлган савобларни аждодларимизга, ер эгаларига бахшида эттишимиз хондонимизга фэйз, кут-баракат, тинч-товушлик, ўзаро ҳурмат-иззат келтирарди. Шу сабабли бу айна узлуқсиз давом эттиши пайидан бўлардим. Лекин хизматчилик, баъзан истисно бўлиб туради. Мана бугун иш кунни охирида зарур юмуш чиқиб қолди, топширик бўлди. Шу ҳақда сизни огоҳлантирарга...

Бу қадаҳни «Таниганимиз учун» ичдик. Сиздан булак ҳамма оқ отди. Сизлар логандан, мен косадан ош ея бошладик. Уша куним ошингиз мазали, хушхўр бўлган эди. Умуман, сиз яхши пазандасиз, қўнлингиз тилингиз каби ширин. Бироқ пазандалиқ қўнлингиз кўнлингиз йўқ, ошхонада ўралашиб қўнлингиз истамайсиз, бўйингиз ёр бермайди, шекилли, овқат пиширишга кетган вақтни бошқа ишларга сарфлашни хоҳлайсиз чоғи. Шу сабабданми, ёки қиз бола бировининг, ҳамми, ўрганиб қўнлингиз яхши, деб ўн иккига етар-етмас Шохидан овқат пиширишдан тортиб кекс тайёрлашгача солиб қўндингиз. Палов дамланганда ҳам, то гуруч солишгача бўлган қисмини Шохид таёрлайди. Қўли пазандалик анча келиб қолди, уқуви бор. То ишдан келганингизча ҳамма ёқни саранжом-саршита қилиб, овқат тайёрлаб қўнганини қўриб, ҳар гап уни олқишлайсиз: — Эсим борида шу қизимни туйиб қўнган эканман-да. Бусиз хозир холим нима кечарди. — Икки-ўч қоқш ошдан ёйилгач, томоғи тақиллади шекилли, Вазира менга сўз қотди: — Косагул деган бундоқ дади бўларди, ичириб қўншига уста бўларди, мен сизнинг ўрнингизда бўлсамми... Мана бу жонларини маст қўлиб қўйиб... томоша қилиб ўтирардим.

Муаллиф Абдуқаҳор ИБРОҲИМОВ

Уйку келмас кечалар

Кечирасиз, — дедим мен косагуллигим эсимга тушиб, — қани қадаҳни менга беринглар. Биринчи бўлиб Вазира қадаҳини меннинг олдимга қўйди, кейин Лобар ва Бонунинг қадаҳини узатди. Сиз эса қадаҳингизни унга бермадингиз. — Менга шу бўлади, ҳали охиригача ичиб қўйсам бўлгани. — Менга куйманг, — деди Лобар. — Менга ҳам, — тақорлади Бону. — Ёқутхоннинг узри бор, майли, лекин сизларга нима бўлди? — деди уларга Вазира. — Буларга ҳам куйинг. Ичгандан кейин лоқал бир жуфт ичши керак-да. — Ҳали ичдик-ку, — деди Лобар, — неча жуфт бўлиб кетди. — У ичгиланлари ҳисобга ўтмайди, — деди Вазира, — эркаклар сиз фэйзга эришар экансиз, дедингиз сиз, — буям иссиққина, катта сочқика ўраб қўйгандим. — Ош лаж бўлмасин деб, сизни кутмай суза қолдим, — дедингиз сиз, — буям иссиққина, катта сочқика ўраб қўйгандим. — Қани олинглар, со савимасин, — мен яна бир бор меҳмонларга илтифот кўрсатиб қўйдим. — Ҳа, айтгандай, ким нимадан ичди, ароқни-конякни, ўзи айтсин, ошдан кейин ичиб бўлмайди деган гап бор.

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

индингиз. Қадаҳни бўшатиб, «ку-тулдим-эй» деб қўндингиз, паррак қилиб кесилган бодриндан тишлаб, газак қилиб. — Уримдан қўриб, сўрамай сиздан бошқа ҳаммининг қадаҳини тўлдириб қўйдим. Яна ош ёйишга киришдик. Бироздан кейин Вазирага кўзим тушганда севдимки, яна иккиси бор, — умор қўзлари сузилиб боқди, юзиде майини табассум? «Куймайсизми?» дедяётгандай. Индамай иккимизга қўйдим. Сўзсиз ичиб қўйдик. Кейин яна. Шийадаги ароқ тугади, лекин қўйиб турса, Вазира ичадиган қўринадди. Мен сизга бўшаган ишлага ишора қилиб, «ароқдан берасизми?» деган маънода қараган эдим, сиз бошингизни тебратиб «йўқ» деб жавоб қўндингиз. — Ош устидаги сўхбатда маълум бўлдики, Бону хозир жамғарма ташкилотларидан бирида мураш бўлиб, шу ташкилотга қараши л хўжалик ҳисобиди бир неча корхонага ҳам умумий раҳбарлик қилар экан. Илгари туман ва шаҳар микросидаги ёшлар фирка ва давлат идораларида маълум вазифаларга ишлаган. Қўринадди оғир-вазимин, етти ўлаб тири кесадиган, ўйлаб гапирладиган, одамлар билан ишлай билмаган — жамоатчи, кийинши, гап-сузига қараганда уйда милли тарбия олган бўлса-да, бутун бир одам ишларида ишлай келгани туйғайли аёлларга...

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

мавсуми эса ҳали бошланмаган. Келгуси ҳаёти унинг ўзидан ҳам кўра турмушда ва ишда қандай одамларга дуч келиб қолишига боғлиқ. Лобар ҳақида тўхталсам, уқўлик аёл. Булик вужуддан аёллик таровати, латофати, назоқати ўфурди. Фоз бўйиндек оппоқ кўзи, сип-силлик елкалари, биллаклари тирсиллайдилар, нисбатан кичикроқ қўринувчи қора қўзлари шўқ боқадилар. — Лобар билимдон, фикри тиник, фозила инсон. Соф адабий тилда ширали сўзлайди. Халқаро анжуманлардан бирида инглиз тилида сўзлаб ҳаммининг қўйил қолдирганига ўзим шохид бўлганман. Лобар «Сафо» халқаро тижорат компаниясида компютер хисоботи бўйича директор экан, ойлиги чакки эмас, лекин ўзи ўзидан қаноатланмас экан. У хозир хушқақач, бир гапириб, ўн қўлиб ўтирибди. Билки бу сирдан қараганда шундайди, бировининг ичидан ўганларни ким биларди, дейсиз. Вазира тамоман бошқача. У шарқ ҳаммомининг иссиқхонасида узок ювиниб, эндигина қайтиб қикқандек юзлари қизариб, бўрсиб турарди. Ҳозирги тўғри қараганда, унга хозирги хузур бўлса, эрта билан ишлай билмас ба. Дунёни сув олиб кетса, унинг тўғиғига чикмайди. Бўйи ўртадан пастрок, бели жудаям ингичка — чумоли бел бўлган учун бошқа тана аъзолари бўртиб ташланган — биллаклари, болдирлари йўғон, қўқраклари, куйимчи бўлиқ қўринадилар. Бетида чиройли қўлгичлари бор, анордек ёноқлари ёнади; бурини бежирим, қоп-қора қўзлари ўйноқи. Босиб турсам бобиллайди, ушлаб турсам қикқиллайди, деган ибора худди мана шу Вазирага нисбатан айтилгандай. Ҳеч тинч турмайди, бировни тинглаётганида ҳам жилла курс, столи аста чертиб, ичида хиргойи қиладими-ей, бош тебратиб, елкаларини учиниб қўйиб, ўйнайдими-ей. Унинг учун бошқаларнинг у ҳақда фикр мулоҳазалари, беридаган баҳолари сарик чақ! Хуллас, Вазираининг ичиди... пардали қила бил сўзлаганда, олов бор. Уш таровинг тафтини пасайтириб туринг учун вақти-вақти билан сув селиб турмоқ керак. — Ош устидаги сўхбат асосида маълум бўлишига Вазира ойликка қараб ўтирадиган зиёлилардан эмас, тижоратга ҳам қўл қўриб, даромадини қўзлайди. Ойла аъзолари кўнайишга қўнайгану, лекин озаимиздан. Бўш қоп тик турмайди, бир товўққа ҳам сув керак, ҳам дон керак. Вазираининг ўзига индомадимду, лекин гапирди, жон бор эди. — Мана мен, ўзимдан қўис, — деди у, — боғчада тарбиячи бўлиб ишлардим, илгарилари берган ойлигидан ташқари уйга убу нарса орттириб олиб келардим. Кейин гўдақлар ризқини туя қилишни ўзимга жиноят деб билдим. Севган касбимни ташлаб, «Ғайрат» фирмасига ташкилотчи вақила бўлиб ишга кирдим, хозир ишам чакимас, — Назаримда, Бону учун баҳор тошқинлари орқда қолган, кўз

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

тирикчилик ўтиб турибди. — Замона заили шу-да, Вазираҳон, — дедим мен унинг жўяли гапларига жавобан. — Замонсенга бок-маса, сен замонага бок, д-ейди лар. Жамиятимизда мулкдорлар синфи вужудга келаяпти, шунга шарт-шароит яратиб берилмоқда, эндиги таракқиёт шунга талаб этади. Мулкдор одам жамиятга, ватанга, давлатга жиддий муносабатда бўлади. Ҳа мол-мулкни химоя қилиш учун Ватанга устун, қалқон бўлишга интилади. — Фахриддин ака мана шунчалар, ҳамма нарсага асослаб беришга усталаб, — дедингиз сиз, деган гап ҳам бор, — дедингиз сиз, — одам ўзига маҳкам бўлса бўлди-да. — Йўқ, — деди Боядан бери сўхбатга қўлқўлиб, жим ўтирган Бону сизга эътироз билдириб, — Фахриддин ака тўғри гапиряптилар, тўғри огоҳлантириб қўйяптилар. Тижорат оламида шундай тулук кимсалар ҳам борки, ўзинга қанчал маҳкам бўлма, алдани, уларнинг тузоғига тушганини сезмай қолсан. Бор будишуддан айрилиб, уй-ҳойи ҳатто гаровга қўйилган аёлларини ҳам биланам, улардан икки-учтаси идорамизга «Моддий қўйин аҳволда қолдим, бола-ларимга ёрдам беринглар» деб келди яқнда. Фахриддин аканинг ниятлари яхши; тижорат баҳона ёмон одамлар, текин пул қутуртирган кимсалар ўз домига тортиб кетмасин, но-бо йўлга судрамасин, деб огоҳлантиряптилар, холос. — Ҳа, шу-да, — дедим мен Бонунинг фикрини тасдиқлаб. Афтидан дугоналарингиз ичиди энг доноларидан бири шу Бону бўлса керак, жуда жиддий аёл. — Чумқудан қўққан тарик эмайди, — деди Вазира, — тижорат олами шундай олам эканки, унга бир бош сундингми, тамом, ундан тирик қайтиб чиколмайсан, то умринингиз охиригача ўша оламда, ўша олам кишилари орасида яшашга мажбурсан. Лекин, Фахриддин ака, сиздан маслаҳат олиб турсак, ёмон бўлмас экан кўни қўрган, тажрибали одам сиз. Сиздан маслаҳатингизни аямасиз-а, Фахриддин ака? — Йўқ, — дедим мен, — тижорат ботида ҳеч кимга маслаҳат беролмайман, қўлимдан келмайди ҳам. Менинг соҳам бошқа. — Тижорат ҳаммининг соҳаси дейишди-ку... Вазираининг гапи бўғизда қолди. Худди шу пайт қўлимдан эшик кўнгириги кетмак деб жириглаб қолди, сўхбат бўлибди.

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар



Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Уйку келмас кечалар

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАҒУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган Буюртма: Г — 0102. 3341 нусхада босилди. Сотувда нархи эркин. Ҳажми 2 босма табоқ, Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32. Телефон 33-50-18. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Навбатчи муҳаррир — Бахтиёр АҲМЕДОВ 1 2 3 4 5 6